



DIRECTOR-FOUNDER OF UZBEK CHILDREN'S CINEMA (Yuldash Agzamov)

Makhsura T. Mirzamukhamedova

Candidate of Arts Sciences, leading researcher

Institute of Art Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Yuldash Agzamov, children's cinema, director, script, screen, close-up, film, parallel editing.

Received: 15.07.22

Accepted: 17.07.22

Published: 19.07.22

Abstract: This article tells about the early creative activity of the People's Artist of Uzbekistan, laureate of the State Prize Yuldash Agzamov, who left an indelible mark on Uzbek cinema with his wonderful films “Charmed by you”, “Furkat”, the Fergana Five”, “Kolokol Sayat”, “Past Days”, “Father's Will”. He began his work in 1935 with the creation of the feature film “Klich”, dedicated to children. In this article we will focus on the history of the creation of the feature film “Klich”.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР КИНОСИГА АСОС СОЛГАН РЕЖИССЁР (Йўлдош Аъзамов)

Махсура Т. Мирзамухамедова

санъатишунослик фанлари номзоди, етакчи илмий ходим

Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатишунослик институти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Йўлдош Аъзамов, болалар киноси, кинорежиссёр, сценарий, экран, йирик план, фильм, параллел монтаж.

Аннотация: Мазкур мақола “Мафтунингман”, “Фуркат”, “Фарғоналик бешовлон”, “Сайёд кўнғироғи”, “Ўтган кунлар”, “Ота васияти” каби ажойиб фильмлари билан ўзбек кино санъатида ўчмас из қолдирган, халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Йўлдош Аъзамовнинг дастлабки ижодий фаолияти ҳақида. У ўз ижодини 1935 йилда болаларга бағишланган “Қлич” бадий фильмини яратишдан бошлаган эди. Ушбу мақолада “Қлич” бадий фильмининг яратилиш тарихи устида тўхтаб ўтилади.

РЕЖИССЕР-ОСНОВАТЕЛЬ УЗБЕКСКОГО ДЕТСКОГО КИНО (Юлдаш Агзамов)

Махсура Т. Мирзамухамедова

кандидат искусствоведения, ведущий научный сотрудник
Институт искусствоведения Академии наук Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Юлдаш Агзамов, детское кино, кинорежиссер, сценарий, экран, крупный план, фильм, параллельный монтаж.

Аннотация: В данной статье рассказывается о ранней творческой деятельности народного артиста Узбекистана, лауреата Государственной премии Юлдаша Агзамова, оставившего неизгладимый след в узбекском киноискусстве своими замечательными фильмами “Очарован тобой”, “Фуркат”, “Пятеро из Ферганы”, “Колокол Саята”, “Минувшие дни”, “Отцовский наказ”. Свое творчество он начал в 1935 году с создания художественного фильма “Клыч”, посвященного детям. В этой статье мы остановимся на истории создания художественного фильма “Клыч”.

КИРИШ

Болалар киноси ушбу санъатнинг ўзига хос бир тури ҳисобланади. Бу ҳақда “Кино энциклопедик луғати” («Кино энциклопедический словарь»)да шундай дейилган: “Болалар киноси болалар ва ўсмирлар учун махсус ишланган кино бўлиб, болалар адабиётига қиёслаб, шундай деб аталади. Болалар киноси турли ёшдаги болаларга мўлжалланган бадий, мультипликацион, хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмларни ўз ичига олади”. [1; 119]

Болалар киноси узок тарихга эга эмас. XX асрнинг бошларида шакллана бошлаган. Бу ёш санъат ўз эволюциясида анча мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Агар жаҳон миқёсида кинематограф имкониятлари Францияда 1895 йилда ака-ука Люмьерларнинг техник ихтиролари билан очилиб, дастлабки киносанслар тасвирий, хроникал, сўнгра мелодраматик, комик ленталар, айниқса, кинонинг ашаддий мухлислари ёш томошабинлар ўртасида катта қизиқиш уйғотган бўлса-да, болаларга мўлжалланган махсус фильмлар ишлаб чиқаришга анча кеч киришилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Россияда болалар киноси кинематографнинг муҳим тармоғи сифатида 1920-йилларнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлаган бўлса, Ўзбекистонда биринчи болалар фильми — “Қлич” (режиссёр Йўлдош Аъзамов) 1935 йилда суратга олинган. Ушбу

фильмни тадқиқ этишдан аввал бу ердаги шарт-шароит ва унинг яратилиш тарихи хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистонда XX аср бошларидаёқ кинематографга қизиқиш жуда кучли бўлган. 1925 йилда “Туркгоскино” ва “Бухкино” ўрнида “Ўзбеккино” ташкил этилиб, унинг таркибига Тошкентдаги “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси ҳам кирганди. Аммо кинофабрика ҳеч қандай аппаратурага, сурат оладиган майдончаларига, ижодий кадрларга эга эмас эди.

Миллий, ижодий кадрларни тайёрлаш масаласи бу пайтда энг устувор муаммолардан бири эди. Кино соҳасида ишлашга қизиқувчилар кўп бўлса-да, бу масалани тез ва осонликча ҳал этиб бўлмасди. Шу сабабли дастлабки фильмлар — “Пахтаорол”, “Бахт куёши”, “Иккинчи хотин”, “Соябон арава” рус кинематографистлари — режиссёр ва операторлари томонидан суратга олингани боис миллий ҳаётдан узоқ эди.

Янги санъатни ўрганиш, бу соҳадаги мутахассислар тажрибасини ўзлаштириш мақсадида 1920-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондан энг иқтидорли ёшларнинг бир гуруҳи Москва ва Ленинград шаҳарларига ўқишга юборилади. Улар орасида 18 ёшли Йўлдош Аъзамов ҳам бор эди. Ўзбек болалар киносининг бошланиши ана шу ижодкор номи билан боғлиқ.

Бу пайтда ўзбек болалар адабиёти ва театри шакллана бошлаган эди. Ўзбек болалар адабиётида Зафар Диёр, Шокир Сулаймон, Илёс Муслим, Адҳам Раҳмат, Шукур Саъдулла, Ғайратий, Доржия Оппокова, М.Оқилова, Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир каби шоир ва ёзувчилар болаларнинг ёши, савиясига мос асарлари билан бу соҳанинг ривожига ҳисса қўшаётган эдилар.

Зафар Диёрнинг “Бахтли ёшлик”, Доржия Оппокованинг “Душман”, Шукур Саъдулланинг “Ёрилтош” пьесалари, Султон Жўранинг “Ҳарфлар паради”, “Ой нечта?”, “Чўнтак” каби шеърлари ёзилган эди.

Ёш томошабинлар театрида Л.Сайфуллина романи асосида “Қон ва сув”, Н.Шестаковнинг “Мик”, М.Любимовнинг “Дўстлик” пьесалари муваффақият билан кетаётган, Мумтознинг “Арслон ва қоплон”, “Зўраки табиб”, Исмоил Акрамнинг “Кураш” пьесалари сахналаштирилган эди.

Ўзбек болалар адабиёти ва театрининг ижобий таъсири, тарихий шарт-шароит, вақт талаби Ўзбекистонда илк болалар бадиий фильми бунёдга келишига сабаб бўлди. Биринчи ўзбек болалар фильми яратилишида рус кинорежиссёри Ольга Преображенскаянинг номини тилга олмасдан иложимиз йўқ.

О.Преображенская ўз ижодини XX аср бошларида театр артисти сифатида бошлаган. Рус театрининг классиклари — Станиславский, Немирович Данченко, Москвинлар унинг устози бўлган. Сўнгра у Мейерхольд, Марджанов, Таировлар раҳбарлигида ишлаган. 1913 йилдан О.Преображенская киноактриса, сўнг рус киносининг йирик режиссёрларидан бири В.Гардин билан, 1927 йилдан бошлаб режиссёр И.Правов билан ҳамкорликда қатор фильмлар яратишда иштирок этган.

Кейинчалик у биринчи давлат кинематография мактабида педагог бўлиб, ўз тажриба ва билимини кино кадрлар тайёрлашга сарфлайди. Шу билан бир қаторда, ижод билан шуғулланади. Мустақил равишда болалар фильмларини яратади.

“О.Преображенскаянинг “Каштанка”, “Федянинг ҳақиқати”, “Аня” фильмлари устидаги мустақил иши совет киноси тарихида болалар фильмлари яратишдаги илк тажриба бўлиб қолади”, — деб ёзади В.Кисунько ушбу режиссёрга бағишланган очеркида. [2; 263]

Режиссёрнинг “Аня” (1927 й.) фильми революция ва граждaнлар уруши ҳақида. Саргузашт жанридаги бу фильм сақланмаган. Лекин унинг биринчи ўзбек болалар фильми яратилишида ўзига хос таъсири бор.

Юқорида айтганимиздек, ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистондан энг иқтидорли ёшларнинг бир гуруҳи назарий билим эгаллаш ва мутахассислар тажрибасини ўрганиш учун Москва ва Ленинград шаҳарларига ўқишга юборилади. Улар орасида Йўлдош Аъзамов ҳам бор эди. Энди тарих бўлиб қолаётган яқин ўтмишга назар ташлаб, аниқ фактларга мурожаат этамиз.

“Правда Востока” газетасининг 1935 йил 25 январь сониди Йўлдош Аъзамовнинг “Катта устозлар кўлида ўқийман” мақоласи чоп этилган. [3] Қуйида ушбу мақолани келтирамиз:

“Менинг кинога келишимга тасодифий воқеа сабаб бўлган. 1926 йилда Сталин номидаги институтнинг рабфакида ўқирдим. Бир куни бу ерга режиссёр Преображенская келиб, юзимизга диққат билан разм солиб: “Аня” картинасига бош роль учун актёр танлаяпман”, — деди.

Танланганлар орасида мен ҳам бор эдим. Эсимда, Совкино фабрикасидаги бу режиссёр кабинетида тортиниbroқ кирдим. У ерда бир неча одам кутиб ўтиришарди ва уларнинг барчаси, менимча чиройли эди. Ҳеч қачон артист бўлолмасам керак, деб ўйладим. Картинага мени эмас, уларни олишади, албатта.

Ўшанда фотобоплик назарияси кенг тарқалган эди. Менинг қиёфамни фотога мос, деб топишади. Мен актёр бўлдим ва “Аня” картинасида Али ролини ўйнай бошладим.

Дастлаб жуда қийин бўлди. Бир куни сочимни олдириб, ҳамма нарсани бузиб қўйишимга сал қолди. Преображенская оммавий сахналарда менинг “ёшарганимни” сезмади, йирик планда суратга олишаётганида эса қўлларини бир-бирига уриб: “Ахир, сочи олинган Али ҳеч кимга керак эмас эди-ку!”, — деди.

Бундан кейинги йиллар кинотехникумда ўқув йиллари, ўз ижодий имкониятларимни кенгайтириш устида жиддий ишлаш йиллари бўлди. Мен “Юксалиш” (“Ўзбекфильм”), “Земля жаждет” (“Востокфильм”) ва бошқа фильмларда ўйнадим.

1930 йилдан бошлаб режиссёрлик бўйича иш олиб бораяпман. Режиссёр Чернякка режиссер ёрдамчиси сифатида бириктирилган ҳолда “Унинг ҳукуки” картинаси устида ишляпман. 1931 йилда Ҳамраев билан ҳамкорликда “Физкультура ишлаб чиқаришда” картинасига сценарий ёздим ва уни суратга олдим. Шундан сўнг мустақил режиссёрлик йўлидаман.

Мен, тўғри, баъзи бир камчиликлари бўлган ҳолда “Пионерлар пахта учун курашда” қисқа метражли, сўнгра 1932 йилда қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳақида “Улкан двигател” техник фильмларни қўйдим.

“Қлич” — эндигина тугатган, болаларга мўлжалланган бадиий картина. Бу фабриканинг болалар мавзусидаги биринчи иши. Мен “Қлич” фильми устида беш ой ишладим. Менинг вазифам колхозчининг ўғли Қличнинг техникага қизиқиб қолишини кўрсатиш ва мактабни политехнизациялаш мавзусини очиш эди. “Қлич” устида ишлаш менинг ижодий ўсишимга кўп нарсалар берди.

Мен совет кинематографиясининг йирик усталари қўлида ўқиш ва ишлаш учун Москвага бормоқчиман. Улар тажрибаси билан бойиган ҳолда, билимимни чуқурлаштириб бориш билан мен ўз қобилиятимни жонажон республикамга яхшироқ татбиқ эта оламан.

Йўлдош Аъзамов, кинорежиссёр

Газета саҳифасида “Қлич” фильмидан иккита фотосурат ҳам ўрин олган.

“Қлич” бадиий фильми кинематографияда овоз кашф этилганидан сўнг яратилган бўлса-да, ҳали у овозсиз эди. Фильм титрлари рус тилида ёзилган. Ундан “Қлич” фильми 1935 йилда ишлангани, 1936 йил 11 августда экранга чиқарилганини билиш мумкин.

“Қлич” фильмининг сценарий муаллифи Одил Шаропов бўлган. У дастлаб педагогик фаолият билан шуғулланган, болаларга атаб ҳикоялар ёзиб юрган. Кейинчалик кинофабриканинг сценаристлар бўлимида ишлаган. О.Шароповнинг болалар дунёси билан яқиндан танишлиги, шунингдек, кино спецификасини ҳам ўзлаштириб олганлиги дастлабки сценарийсини муваффақиятли чиқишига сабаб бўлди. Одил Шаропов 1970 йилларда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб

ишлаётган пайтида мен билан суҳбатда ўша даврларни, фильм ҳақидаги хотираларини эслаб, шундай деган эди:

“Менга болалар мавзусида сценарий ёзишни топширишди. Ўша кезлари техникани эгаллаш, мактабни политехнизациялаш кун тартибидаги масала эди. Мен шу мавзуда боғча боласининг техникага қизиқиб қолиши ва бу йўлдаги унинг саргузаштларини акс этдирувчи сценарий ёздим. Сценарийни бу ердаги ўртоқлар маъқуллашди, Москвадан ҳам тезда тасдиқлаб юборишди”. [4]

Бундан 87 йил олдин яратилган “Қлич” болалар фильмига Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бугунги кўз билан қараб, холис баҳо берадиган бўлсак, унда, аввало, социалистик тузум, коллективлаштириш манфаатлари ҳимоя қилинганига, колхозчиларнинг “тўқ ва маданий турмуши” — тасаввур этилган дунё кўрсатилганига амин бўламиз.

Фильмнинг бош қаҳрамони Қлич исмли боғча боласи. У отаси, бобоси ва укаси билан колхозда яшайди. Боғча болаларининг пахта даласига қилган экскурсияси фильм воқеаларининг кейинги ривожига туртки беради: дала шийпонида Қличнинг отаси илғор бригадир Даврон акани Октябрь байрамига Тошкентга юборишга тавсия этилиши ва бобонинг Тошкентга олдида паровози бор “ғилдиракли қатор уйларда” борилиши ҳақидаги ҳикояси, у болада техникага қизиқишни уйғотиши ўша давр сиёсати билан боғланади. Аммо биз “Қлич” фильмига ўзбек болалар кинематографияга асос солган илк фильм, деб қараймиз.

Бу фильм билан киностудия тарихида биринчи марта бола экран қаҳрамони бўлиб, майдонга чиққан, атрофга бола кўзи билан қаралган эди. Ёш режиссёрнинг хизмати экранда Қлич ролини ижро этган Жўра Асадуллаевнинг камера олдида ўзини самимий, эркин ва табиий тутишига эриштира олганида эди. Бу Йўлдош Аъзамовнинг бола психологиясини яхши билганидан, ички дунёсига чуқурроқ кириб борганидан далолат беради.

“Қлич” фильмида қисқа вақт ичида содир бўлган воқеалар баён этилса-да, бола характерининг шаклланиши, динамик ривож сизилади. Фильм бошида у шўх, қувноқ, ҳар бир ишни ўйин билан боғлайдиган оддий бир бола. Режиссёр бу фильмда болалар билан ишлашда ўйин принциpidан фойдаланган бўлиши мумкин. Қлич характерининг тубдан ўзгариши, аввалги ўйинқароқлик, шўхлик ўрнини жиддийлик эгаллаши, техникага жуда қизиқиб қолганини кўрсатишда тушининг “жонлантирилиши” — барчаси ана шу паровоз мавзуси билан боғланади.

Отаси Қлични ўзи билан Тошкентга олиб кетмагач, у яширинча йўлга тушади. Вокзалда паровозни кўради, амакиси паровоз машинисти уни Тошкентга олиб кетади. Амакисининг уйидаги, қизи Лоланинг боғчасидаги паровоз ўйинчоқлари бола диққатини жалб этади.

Фильмда ўз орзуси йўлида қатъий, индивидуал характерли образ яратишда кинематографиянинг ўша давр имкониятларидан — параллел монтаж ва йирик пландан фойдаланилган. Параллел монтаж фильмда анчагина кадрларни эгаллайди ва у илиқ юмор билан суғорилган.

Параллел монтаждан ота ва бола орасидаги масофани, Қлични отасига етиб олиш учун шошилиши, яъни вақт зиклигини кўрсатишда фойдаланилган. Шунингдек, параллел монтаж ичида бола билан боғлиқ ҳар бир кадр ҳам ўз тугун ва ечимига эга бўлиб, тўсиқларнинг пайдо бўлиши, қолверса уларни енгишда Қлич характерининг тобланиши кўрсатилади.

Иссиқда, ўнқир-чўнқир дала йўлларида эшакнинг юрмай, тихирлик қилиши, Қлич отасига етиб олиш учун шошиб турган пайтда жониворни сув ичишдан қайтариб ололмаслиги, эшакка ўтира олмай, йиқилиб тушиши каби кадрлар шулар жумласидан.

Қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжонини, кайфиятини кўрсатишда йирик пландан фойдаланилган. Мана, Қлич паровозни биринчи марта кўраяпти: йирик план, паровозни кўрган заҳоти кўзларини катта очиб, анқайиб, унга узоқ тикилади, паровоздан буғ чикса, кўрқиб, орқасига тисарилади. Гудок овозидан қўллари билан қулоқларини бекитиб, ерга ўтириб олади. Қлич Тошкентда трамвай ойнасидан атрофни томоша қилиб кетаяпти. Машиналарнинг бетиним ҳаракати, посбонларнинг транспорт ҳаракатини тартибга солиб туриши, умуман, шаҳардаги қайноқ ҳаёт бола кўзи билан кўрсатилади.

Шаҳарга қилинган бир неча кунлик саёҳат, амакисининг уйидаги маданий турмуш, стол-стуллар, қизи Лоланинг паровоз ўйинчоғи, болалар боғчасидаги жонли бурчак, турли-туман ўйинчоқлар, айниқса, паровоз ўйинчоғи бола диққатини жалб этади. Характери шакллана бошлаган кичик қаҳрамон орзуси энди мақсадга айланиб, келажакда машинист бўлишга аҳд қилади. Балки шунинг учундир ўз даври муаммолари, техник кадрлар тайёрлаш масаласи ўртага ташланган бу фильм титрларида унинг “Машинист бўлишни хоҳлайман” деган иккинчи номи ҳам ёзилган.

“Қлич” фильмига бугунги кўз билан қараб, унда образлар ниҳоясига етмагани, катталар образи юзаки чиққани ва бу ролларга профессионал актёрлар эмас, балки типажлар таклиф этилгани каби қатор камчиликларни кўриш мумкин. Аммо барча

камчиликлардан қатъий назар, “Қлич” фильми бундан 87 йил муқаддам яратилиб, ўзбек болалар киносига асос солгани билан қимматли.

1930 йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда яна бир болалар фильми яратишга уриниш бўлган. Бу ҳақда “Правда Востока” газетасининг 1936 йил 11 январь сонида “Тўрт фильм” сарлавҳаси остида қуйидаги хабар ёритилган:

“Бу йил ишлаб чиқариладиган 4 фильм орасида чегара минтақасидаги болалар ҳақида битта фильм бор. Сценарий муаллифи Анна Ян ва режиссёр Аъзамов бу фильмда болаларнинг социалистик ватанга бўлган меҳр-садоқатини кўрсатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар”. [5]

1970 йилнинг ёз ойларида муаллифнинг машҳур режиссёр Йўлдош Аъзамов билан суҳбатида у ҳам ўша кезлари студияда болаларга бағишланган яна бир фильм қўйишга уриниш бўлганини тасдиқлаган эди. Ўшанда жонли тарих бўлиб қолган бу ажойиб инсон яқин ўтмишни эслаб, “1930 йилларнинг охирларида Анна Яннинг “Эски тегирмон” сценарийси асосида иккинчи болалар фильми қўйишга тайёргарлик ишлари олиб борилганини”, бироқ “чегарадан ўтиб, эски тегирмонга яширинган контрреволюционерларни фош этувчи бу фильмни суратга олиш ишлари баъзи сабабларга кўра тўхтатилганини” [6] гапириб берган эди.

ХУЛОСА

Демак, “Қлич” фильми ўзбек кинематографида 1952 йилгача ягона болалар фильми бўлиб қолади.

Ўзбек кино санъатида ўчмас из қолдирган, “Мафтунингман”, “Фурқат”, “Фарғоналик бешовлон”, “Сайёд қўнғироғи”, “Ўтган кунлар”, “Ота васияти” каби ажойиб киноасарлар яратган буюк режиссёр, халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Йўлдош Аъзамов ўз ижодини ана шу болалар фильмидан бошлаган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Кино энциклопедический словарь». — Москва, «Советская энциклопедия», 1986. — С.119
2. Кисунько В. «20 режиссерских биографий». — Москва. «Искусство», 1971. — С.263
3. “Правда Востока” газета, 1935. 25 январь.
4. Сценарий муаллифи О.Шаропов билан суҳбат, 1970-йиллар.
5. “Правда Востока” газета, 1936. 11-январь.
6. Муаллифнинг режиссёр Й.Аъзамов билан суҳбатидан, 1970-йиллар.